

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЖИМУРАТОВ НИЗОМЖОН ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt163. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Зайнитдин Тулабоевич

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қўзиев Исломжон Неъматович

иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Алиқулов Абдимўмин Исматович

иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темурашхон кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: tmi@ tmi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темурашхон кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х. Хайдаров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У. Меҳмонов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И. Каримқулов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва трансмиллий компанияларнинг ривожланиши шароитида молиявий ҳисобот аудити муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда компанияларнинг молиявий ҳисоботлари жиддий ва танқидий таҳлил этилмоқда. Инвесторлар корпоратив бошқарувнинг турли жабҳаларини чуқур таҳлил қилиб, молиявий ҳисобот маълумотларининг янада ишончлилигини талаб этмоқда. Молиявий ҳисоботлар бўйича қатъий назорат ўрнатиш ва ҳолис аудиторлик ҳулосасини тузиш мақсадида АҚШда 404-сонли Сарбейнз-Оксли қонуни қабул қилинган¹. Бу эса молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш, ички назоратни такомиллаштириш ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин, шунга қарамасдан, молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини тўлақонли жорий этишда мазкур стандартларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш, уларни амалиётда қўллаш олиш, миллий стандартларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформациялаш, илғор хориж тажрибасини мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этиш каби масалаларни ҳал этиш учун молиявий ҳисобот аудитини янада такомиллаштириш борасида комплекс тадқиқотлар олиб бориш зарурати кучаймоқда. Ривожланган давлатларда молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштиришда муҳимлик ва риск даражаларини аниқлаш, аудиторлик далилларини тўплаш, аудиторлик фикрини шакллантириш, ҳолис аудиторлик ҳулосасини тузиш борасида кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикаimiz аудиторлик фаолиятидаги қатор муаммо ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, «аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келувчи маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда»². Шу боисдан, мамлакатимизда жаҳонда умумқабул қилинган замонавий нормалар, стандартлар, шу жумладан, молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини босқичма-босқич жорий этиш асосида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мослаштиришни тақозо этмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да юртимизда инвестиция

¹ Никитина Т.В., Репета-Турсунова А.В. Финансовые рынки и финансово-кредитные институты: учебное пособие / Т. В. Никитина, А. В. Репета-Турсунова. – СПб. : Изд-во СПбГЭУ, 2014. – 115 с.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07/18/3946/1955-сон

муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш борасида муҳим вазифалар белгиланган³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳукукий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш бўйича хорижда Э.А.Аренс, Р.Адамс, Х.Андерсон, М.Бенис, Р.Додж, Д.Р.Кармайл, Ж.А.Кеворкова, Д.Колдуэлл., М.Корренбауэр, Дж.Лоббек, Дж.Робертсон⁴ларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган, МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи-олимларидан Н.П.Барышников, Н.Н.Белуха, С.М.Бычкова, П.И.Камышанов, В.П.Суйц, А.А.Терехов, А.Д.Шеремет⁵, бундан ташқари, республикаимиз олимларидан К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, М.М.Тўлахўжаева,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

⁴ Арэнс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. -М.: Финансы и статистика, 2013. -560с.; Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ./под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 2015.-398с.; Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита. Пер. с англ.: предисловие С.А.Стукова.- М.: Финансы и статистика, ЮНИТИ, 1992. -240с.; Робертсон Дж. Аудит / Пер. с англ./Дж. Робертсон -М.: Контакт, 2004.-496с. Кармайл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. -М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995.-527с.; Международные стандарты аудита/Ж.А.Кеворкова. -М.: Юрайт, 2014.-458с.

⁵ Барышников Н.П. Организация и методика проведения общего аудита. 4-е изд. перер. и доп. -М.: Филинь, 1998.-528с; Белуха Н.Т. Аудит. Учебник «Знания», КОО, 2000.-769 с; Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. – СПб.: Лань, 2000.-320с.; Камышанов П.И. Практическое пособие по аудиту. -М.: ИНФРА-М. 1996.-522 с.; Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. -М.: Финансы и статистика, 2001. -560 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2009. -456 с.

И.Н.Қўзиев ва Б.Қ.Ҳамдамов⁶нинг илмий ишларида бу масаланинг айрим жиҳатлари ўз ечимини топган.

Таъкидлаш керакки, акциядорлик жамиятлари (АЖ)да молиявий ҳисобот аудитини халқаро стандартлар талаблари асосида ўтказишнинг яхлит ҳолатдаги методологик асослари етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу жамиятларда, айниқса, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформациялаш, молиявий ҳисобот аудитида рискларни баҳолаш ва далиллар тўплаш масалалари комплекс тадқиқ қилинмаганлиги ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-А2-31-сонли «Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий таҳлилнинг замонавий усуллари қўллаш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва молиявий ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини таъминлашда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик текширувларида молиявий ҳисобот элементларини аниқлаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботи аудити бўйича ҳолис аудиторлик ҳулосасини тузишда ишончли аудиторлик фикрини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботи аудитида далиллар тўплаш жараёнини такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

⁶ Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: 08.00.07: и.ф.д. дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т., 2016. -76 б., Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. -Т: Молия нашриёти, 2007. -276 б. Тулахўжаева М. Корхона молиявий ахволи аудити. -Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1996 -193 б.; Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. -Т.:Молия, 2015. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари : и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф.. -Т, 2005. -40 б. - 160б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит : Монография. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2006. -262 б.; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002. -176 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: Дис. ... иқт. фан. докт. - С.: 2001. -323 б.; Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш : 08.00.08: и.ф.д... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т., 2017. -76 б., Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф.. -Т.: 2007 -260 б.

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформациялаш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

молиявий ҳисобот аудитида аудиторлик рискинни пасайтириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнларида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистика, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудити бўйича жиддий хатоларга йўл қўйишни минимум даражага келтиришда аудиторлик фикрини шакллантиришнинг уч босқичли тизими ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида аудит амалларини тизимли қўллашда молиявий ҳисоботнинг бешта базавий элементларини аниқлаш таклифи ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларида аудиторлик текшируви сифатини оширишда аудиторлик далилларини олиш амаллари таркибига «ташқи тасдиқнома» ва «қайта текшириш» амалларини қўшиш таклифи ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформациялашнинг бешта босқичи такомиллаштирилган ва бу жараёнида қўлланиладиган махсус ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш йўналишлари белгилаб берилган;

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудити бўйича аудиторлик фикрини асослашга таъсир этувчи омиллар таснифи ишлаб чиқилган;

молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлик далилларини олиш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган;

молиявий ҳисобот аудитида аудиторлик рискинни пасайтириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, тадқиқотда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти маълумотларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий

этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар акциядорлик жамиятлари ва аудиторлик ташкилотлари фаолиятига татбиқ этилиши, уларда молиявий ҳисобот аудитини самарали ташкил этиш, ахборотларнинг ишончлилик даражасини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

молиявий ҳисобот аудити бўйича аудиторлик фикрининг шакллантириш босқичларини белгилаш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатасининг 2018 йил 17 февралдаги №20/01-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аудиторлар томонидан текширув ўтказиш жараёнида ўз фикрини тизимли тарзда шакллантириш имконини бериб, сифатли аудиторлик хулосасини тузиш имкониятини яратган;

аудиторлик текширувларида молиявий ҳисобот элементларини аниқлаш бўйича илмий тавсияси «МЕХМОСТ» АЖ томонидан амалиётга жорий қилинган («МЕХМОСТ» АЖнинг 2018 йил 29 мартдаги 82-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий этилиши натижасида молиявий ҳисоботда активлар, капитал, мажбуриятлар, даромад ва харажатларни таркиблаштирилган шаклда бир-бирига нисбатан жойлаштирилган ҳолда қўриб чиқиш аудиторлик текширувларида молиявий ҳисобот элементларини унинг базавий таркиб бирлиги сифатида баҳолаш имконини берган;

аудиторлик далилларини олиш амаллари таркибини кенгайтириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатасининг 2018 йил 17 февралдаги №20/01-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши аудиторлик далилларини олиш имкониятини кенгайтириш, аудиторлик далилларининг мослиги ва етарлилигини таъминлаш, аудиторлик хулосасининг объективлиги ва сифати ошишига хизмат қилган;

молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформациялаш босқичларини белгилаш ҳамда ушбу жараёнида махсус счётлар режасини қўллаш бўйича илмий тавсия «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ички аудит хизмати томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ички аудит

хизматининг 2018 йил 4 майдаги 28-сонли маълумотномаси) ҳамда «Тошкент механика заводи» АЖ томонидан («Тошкент механика заводи» АЖнинг 2018 йил 4 апрелдаги ДФ-58-сонли маълумотномаси) амалиётда қўлланилган. Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги ва улардаги кўрсаткичларнинг аниқлигини таъминлаш ва молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилишда вақтни тежаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 11 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялари тўпламларида 14 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усуллари тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши изохлаб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитининг назарий асослари**» деб номланиб, унда акциядорлик жамиятларининг иқтисодиётдаги ўрни, акциядорлик жамиятларида аудитнинг назарий ва норматив-ҳуқуқий асослари, молиявий ҳисобот аудитини ташкил этишнинг хусусиятлари, аудиторлик текширувларида молиявий ҳисобот элементларини аниқлаш тартиби тадқиқ этилган.

Бугунги кунда республикамізда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар мазкур жамиятлар фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларининг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича жойлашуви қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари сони, акциялар сони ва қиймати бўйича соҳалар ва тармоқларга тақсимоти (2018 йил 15 февраль ҳолатига)⁷

	Акциядорлик жамиятлари	АЖ сони	Акциялар (млн дона)	Чиқарилиш ҳажми (млрд сўм)
	Жами:	604	4333502,22	49827,72
Шундан:				
	Молия сектори:	55	2305438,78	12042,04
1.	Банклар	26	1010780,39	11704,63
2.	Биржалар	4	2993,63	64,76
3.	Инвестиция фондлари	9	11,81	2,32
4.	Лизинг компаниялари	7	75,55	140,24
5.	Суғурта компаниялари	9	1291577,40	130,08
	Тармоқлар бўйича:	549	2028063,44	37785,68
6.	«Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК	117	526707,07	1955,10
7.	«Ўзбекнефтегаз» МХК	50	16417,35	16142,37
8.	Савдо мажмуалари ва бозорлар	43	3213,29	238,18
9.	«Ўздонмахсулот» АК	40	772,46	703,72
10.	«Ўзбекэнерго» АЖ	36	8864,32	7335,15
11.	«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК	17	54,60	73,61
12.	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	16	46142,76	2626,33
13.	«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ	15	379,33	50,57
14.	«Ўзқурилишматериаллари» АК	13	1613,52	1908,67
15.	«Ўзэлтехсаноат» АК	12	506,27	302,09
16.	Ташқи савдо вазирлиги	10	36122,63	158,45
17.	«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ	10	11309,22	1558,95
18.	«Ўзавтосаноат» АЖ	9	1367531,73	1486,27
19.	«Ўзкимёсаноат» АЖ	9	751,18	636,55
20.	«Дори-дармон» АК	9	30,11	106,59
21.	«Ўзбекенилсаноат» АЖ	7	75,12	54,16
22.	«Ўзқоғатхолдинг» ХК	7	139,95	40,75
23.	Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги	6	2,56	4,12
24.	«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси	6	2,42	7,00
25.	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ	5	4962,70	518,47
26.	«Ўзмахсулмонтажқурилиш» АК	4	67,07	64,99
27.	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси	3	5,75	4,45
28.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	3	61,55	80,07
29.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1	12,20	41,22
30.	Бошқа АЖ	101	2318,29	1687,87

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича турлича тақсимланган бўлиб, монографик тадқиқот объекти ҳисобланган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти салмоқли ўринни

⁷ <http://www.deponet.uz> сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

эгаллайди. Акциядорлик жамиятида 75,2 мингдан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатади. Йиллик юк ташиш барча турдаги транспортларнинг юк ташиш ҳажми эса 90 %ни ташкил этади.

2-жадвал

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ фаолиятига доир асосий статистик кўрсаткичлар динамикаси⁸

№	Асосий кўрсаткичлар	Йиллар			Фарқи (2017 йилда 2015 йилга нисбатан), % да
		2015 й.	2016 й.	2017 й.	
1.	Жўнатилган юк, млн.тонна	67,2	67,6	67,9	101,0
2.	Ташилган йўловчилар сони, млн.йўловчи	20,6	20,9	21,6	104,9
3.	Эксплуатацион темир йўл узунлиги, км	4237,5	4303,7	4641,9	109,5
4.	шу жумладан электрлаштирилган йўл, км	827,7	1353,5	1684,5	203,5

Жадвал маълумотларига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда барча кўрсаткичлар 2017 йилда 2015 йилга нисбатан ошириб бажарилган. Айниқса, темир йўлларни электрлаштириш жараёни 203,5 %га ошириб бажарилгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикасида замонавий корпоратив бошқарув принциплари тўла-тўқис жорий этилиши учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг инвестиция жараёнлари ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг иштирокини таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармонининг қабул қилиниши акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. Мазкур Фармоннинг 8-бандига мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини нашр қилиш»⁹ белгилаб қўйилган. Бу ҳолат ўз-ўзидан акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш ва халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувларини ўтказишни талаб қилади.


Ўзбекистонда бизнеснинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун шароитлар яратилиши бутун жаҳон учун тушунарли бўлган иқтисодий мулоқотдаги универсал бизнес тили – молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МХХС) ўрганиш ва фойдаланиш зарурати кучаймокда.

⁸ «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг маълумотлари асосида тузилган. <http://www.railway.uz>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720 сонли Фармони. www.lex.uz

Дунё бозорига чиқиш, халқаро кредит олиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун молиявий ҳисоботни МҲХСлари бўйича тузиш мақсадга мувофиқдир¹⁰.

Фикримизча, миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш учун, аввало, БҲМСларни МҲХСларга мослаштириш зарур. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга мослаштириш йўналишлари қуйидаги 1-расмда акс эттирилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини МҲХС мослаштиришнинг асосий йўналишлари¹¹

Тадқиқотлар шуни тасдиқладики, Ўзбекистонда молиявий ҳисобот халқаро стандартларини қўллашнинг асосий муаммолари қуйидагилардан иборат:

¹⁰ Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг МҲХС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

МХХС алоҳида қоидаларини қўллаш амалиёти масалалари бўйича мос келувчи услубий кўрсатмалар ва изоҳлар мавжуд эмаслиги туфайли амалдаги ва янги стандартларни мутахассислар томонидан қабул қилиш қийинлиги ҳамда ахборот етишмаслиги;

Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида МХХСни қўллаш амалиёти умумлаштирилган таҳлилининг мавжуд эмаслиги;

МХХС бўйича халқаро сертификатлар олиш учун махсус курсларда ўқитиш қийматининг юқорилиги;

Халқаро стандартлар асосида кўрсатиладиган аудиторлик ва консалтинг хизматлар нархининг қимматлиги;

МХХС бўйича мутахассислар ва малакали кадрлар етишмаслиги;

МХХС бўйича ҳисоб ва ҳисобот юритиш автоматлаштирилган дастурлари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш баҳосининг юқорилиги.

Шу муносабат билан МХХСни жорий этиш, мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, уни сифатли, объектив, фойдали ва талаб юқори бўлган ахборот яратишнинг самарали воситасига айлантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Ахборотлардан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот ахборотларига қизиқиши ортиб бориши шароитида, унинг ишончлилигини таъминлаш муаммосини ҳал қилишда аудитнинг роли ошиб боради. Аудитнинг халқаро стандартларига ўтишда аудитнинг фаолият соҳасини асослаб бериш, шунингдек, аудит қилинаётган ташкилот молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги долзарб масалага айланади.

Аудитнинг халқаро стандартларида эълон қилинган ёндашув аудит мақсадига – молиявий ҳисобот ишончлилигини тасдиқлашга мос келади.

Маълумки, молиявий ҳисоботни тузишда «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БХМС) асосланилади.

Мазкур ҳужжатга биноан молиявий ҳисоботлар молиявий ҳолатни, молиявий натижаларни ва бошқа хўжалик операцияларини акс эттиради, уларни молиявий ҳисоботларнинг элементлари деб аталувчи иқтисодий тавсифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гуруҳлайди. Активлар, хусусий капитал ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир. Молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини аниқлаб берувчи молиявий ҳисобот элементларига даромад ва харажатлар киради.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари корхона фаолияти тўғрисида ишончли маълумотлар олишдан манфаатдордирлар. Ишонччилик даражаси аудиторлик текшируви натижалари бўйича шакллантирилган ва аудиторлик ҳулосасида келтирилган аудиторлик фикрини акс эттиради. Шу сабабли аудиторлик фикрига турли фойдаланувчилар кўпроқ эътибор қаратадилар (3-жадвал).

Ўрганилган адабиётларда аудиторлик ҳулосасини тузишда аудитор ўз профессионал мулоҳазасига асосланган ҳолда ҳаракат қилиши кераклигига ишора қилинади.

«Аудит» назарияси бўйича турли мутахассисларнинг тадқиқотлари, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш соҳасида қонунчилик ва норматив ҳужжатларни ўрганиш профессионал мулоҳазани таърифлашга ягона ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатди.

3-жадвал

«Аудитор фикри» тушунчасини таърифлашга оид ёндашувлар¹²

Манба	«Аудитор фикри» тушунчаси
А.Аренс, Дж.Лоббек ¹³	Аудиторнинг ўтказилган текширув натижалари бўйича қарори
Р.Хайес, Р.Дассен, А.Шилдер, Ф.Валлаж ¹⁴	Молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги бўйича мустақил фикр
С.М.Бычкова, Е.Ю.Итыгилова ¹⁵	Иқтисодий қарорлар қабул қилиш ва уларни бажаришда улардан фойдаланувчиларга ишонч бағишлайдиган мустақил ва объектив фикр
Қўзиев И.Н., Хашимов А.Р., Хашимова Ш.М. ¹⁶	Аудиторлик текшируви натижасида молиявий ҳисобот кўрсаткичларига берилган баҳо
Я.В.Соколов, Т.О.Терентьева ¹⁷	Аудитор томонидан хулоса кўринишида тақдим этиладиган текширилган ҳисобот сифати бўйича фикр
Т.Моради, Г.Рухани, Х.Жаббори ¹⁸	Молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида билдирилган ва аудиторлик хулосасини шакллантириш учун асоси бўлган аудиторнинг фикри

Аудитор ишининг сифати ва аудиторлик хулосаси шакли унинг профессионализмига боғлиқ бўлади. Аудиторлик фикри аудитор ишининг асоси, натижаси ва якуни ҳисобланади. Аудиторлик фикрини ифодалашда бош мезон ҳисобот ишончлилиги ҳақида унинг мулоҳазаси, яъни, молиявий ҳисобот маълумотларининг аниқлик даражаси саналиб, бу ушбу ҳисоботдан фойдаланувчиларга аудит ўтказилаётган субъектларнинг хўжалик фаолияти натижалари, молиявий ва мулкӣ ҳолати бўйича тўғри хулосалар қилиш ва уларга таянган ҳолда асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, «Аудиторлик фикри» тушунчасининг таърифига аниқлик киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, аудиторлик фикри аудиторнинг профессионал мулоҳазалари ва тажрибасига асосланган ҳолда молиявий ҳисобот ишончлилиги бўйича аудиторлик хулосасида билдирилган фикрдир.

«Аудиторлик фикри» тушунчасининг таъриф қилинган изоҳи унинг шакли ва мазмунини белгилаш имконини беради. Шаклига кўра аудиторлик

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹³ Аренс, А., Лоббек, Дж. Аудит / А. Аренс, Дж. Лоббек; под ред. Я.В.Соколова. – М.: «Финансы и статистика», 1995. – 560с.

¹⁴ Rick Hayes, Roger Dassen, Arnold Schilder, Philip Wallage. Principles of auditing: An Introduction to International Standards on Auditing. Edinburgh Gate, Harlow, Essex CM20 2JE, England. © Pearson Education Limited 2005. 692 p.

¹⁵ Бычкова, С.М., Итыгилова, Е.Ю. Аудит: учебное пособие / С.М.Бычкова, Е.Ю.Итыгилова; под ред. Я.В. Соколова. – М.: Магистр, 2009. – 463с.

¹⁶ Қўзиев И.Н., Хашимов А.Р., Хашимова Ш.М. Аудиторлик ҳисоботи асосида аудитор фикрини шакллантиришнинг математик методлари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил

¹⁷ Соколов, Я.В., Терентьева, Т.О. Профессиональное суждение бухгалтера: итоги минувшего века / Я.В. Соколов, Т.О. Терентьева // Бухгалтерский учет. – 2001. - № 12. – С.13-17

¹⁸ Tahere Moradi Ghale Rudkhani, Hossein Jabbari The effect of financial ratios on auditor opinion in the companies listed on TSEю European Online Journal of Natural and Social Sciences 2013; ISSN 1805-3602

фикри – муайян юридик кучга эга ҳужжат – аудиторлик хулосаси кўринишида тақдим қилинган унинг иши натижасидир. Ўз мазмунига кўра аудиторлик фикри бухгалтерия ҳисоботи ҳақида профессионал мулоҳазадир.

Шундай қилиб, аудиторлик фикри молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисидаги аудиторлик хулосасини шакллантиришда асос ҳисобланади. Аудиторлик фикри аҳамиятининг ортиши уни шакллантириш ва аудиторлик хулосасида асослаш жараёнини изчил тадқиқ қилишни талаб этади. Бундан ташқари, аудиторлик фикрининг асосланганлиги нафақат аудиторлик текшируви ўтказилаётган субъектлар ва уларнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақида бухгалтерия ахборотларидан фойдаланувчилар учун, балки, биринчи навбатда, ўз нуқтаи назарини исботлаш ва текширувнинг юқори сифатини таъминлаш мақсадида аудиторнинг ўзига ҳам зарур.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш тартиби**» деб номланган иккинчи бобида молиявий ҳисобот аудити бўйича аудиторлик фикрини шакллантириш жараёни, акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудити бўйича далилларни тўплаш, молиявий ҳисобот аудитида бухгалтерия ахборотларининг сифат мезонларини аниқлаш масалалари чуқур тадқиқ этилган.


Молиявий ҳисобот ишончлилиги ҳақида аудиторлик фикрини шакллантириш тартиби жиддий хатоларга йўл қўйишни минимум даражага келтириш мақсадида молиявий ҳисоботни тадқиқ қилиш асосида тузилган кетма-кет ўзаро боғлиқ амаллар мажмуидан иборат. Тадқиқотлар натижасида аудиторлик текшируви доирасидаги ушбу хулосалар аудиторлик фикрини шакллантириш босқичлари сифатида умумлаштирилди (2-расм).

Молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида аудиторлик фикрини шакллантириш босқичларининг ўзаро алоқадор қонуниятларга асосланган. Хусусан, бирламчи фикр муҳимлик даражасини баҳолаш, аудиторлик rischi ва молиявий ҳисоботдаги эҳтимолий хатоликларни ҳисобга олган ҳолда аудит жараёнининг таркибий қисмларига асосланган тарзда юзага келади. Оралик ва якуний фикрлар эса акциядорлик жамиятининг амалий фаолиятига асосланади. Бундан ташқари, оралик фикрни шакллантириш босқичидан аввал аудиторлик текшируви ҳажми аниқланиб, муҳим ахборотлар ҳар томонлама таҳлил қилинади. Якуний аудиторлик фикри далилларнинг сифати ва миқдорини чуқур таҳлил қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш ва ҳисобот маълумотларидаги хатоликларни келтириб чиқарувчи омилларга киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда текширув натижаларини тизимлаштириш, шарҳлаш ва таҳлил қилиш жараёнида шаклланади.

Шундай қилиб, якуний аудиторлик фикри назарий ўрганилиб, амалий маълумотлар билан тўлдирилган ва тасдиқланган материалдан иборат ахборотни тадқиқ қилишни мантиқий якунлашни ўзида акс эттиради.

Аудитор ўз фикрини шакллантириш жараёнига муайян тарзда таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаб олиши лозим. Мазкур омилларни аниқлаш жараёнида, одатда, ички сезги ёки ҳар бир аниқ вазиятни текширишга

индивидуал ёндашувларга асосланган ҳолда, энг аввало, уларнинг текширув объекти ёки субъектига тегишлилигини белгилаш зарур.



2-расм. Молиявий ҳисобот ҳақида аудиторлик фикрини шакллантириш босқичлари¹⁹

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умуман, аудиторлик фикрига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Акциядорлик жамиятига боғлиқ омиллар (Бухгалтерия ҳисоби тизими, ички назорат тизими, ташқи манбалардан олинган акциядорлик жамияти тўғрисидаги ахборотлар, фойдаланувчилар манфаати);

2. Аудиторга боғлиқ омиллар (аудиторнинг ташкилий-услубий воситалари, аудиторнинг тажрибаси, билими, аудитор малакаси (касбий маҳорати), касбий мулоҳаза).

Ҳар бир омиллар гуруҳи аудиторлик амаллари таркиби ва ҳажмига турли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Ўз навбатида, аудитор уларни аниқлаш ва режалаштиришда ҳам, аудиторлик текширувини амалга оширишда ҳам ҳисобга олиши зарур.

Аудиторлик далилларини олиш жараёнида ҳар бир босқичнинг ўрни ва аҳамияти аудитор ҳаракатларининг белгиланган кетма-кетлиги, муайян босқичдаги умумий якунлар, вақт ҳажми ва меҳнат сарфи асосланганлиги нуқтаи назарига кўра аудиторлик текширувида олинган натижаларнинг муҳимлик даражаси билан белгиланади (3-расм).




3-расм. Аудиторлик далилларини олиш кетма-кетлиги²⁰

Молиявий ҳисобот аудитини халқаро стандартларга мослаштириш, аудиторлик ҳисоботлари ва хулосасининг сифатини ошириш бевосита аудиторлик далилларининг сифатига боғлиқ. Аудиторлик далилларининг етарлилиги ва мослиги эса аудит сифати ошишини таъминлайди.

Аудиторлик далилларининг етарлилиги ва мослигини таъминлашда уларни олиш амалларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, аудиторлик далилларини олишнинг қуйидаги алгоритмик амаллари тавсия қилинди (4-расм).

²⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4-расм. Аудиторлик далилларини олиш амаллари²¹

²¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, аудиторлик далилларини олиш усуллариининг таркибига «ташқи тасдиқнома», «қайта текшириш» амалларини ҳам киритилиш аудиторлик далилларини олиш имкониятини кенгайтиришга, уларнинг мослиги ва етарлилигини таъминлашга ва натижада аудиторлик хулосасининг объективлиги ҳамда сифатини оширишга хизмат қилади.

Қоидага кўра, молиявий ҳисобот аудитининг якуний қисмида акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларга баҳо берилади. Бу ўз навбатида, сифатли аудиторлик хулосасини шакллантириш учун асос бўлади. Фикримиз далили сифатида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини тавсифловчи молиявий коэффициентларни келтирамиз (4-жадвал).

4-жадвал

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида молиявий коэффициентлар таҳлили, (1 январ ҳолатига) ²²

№	Йиллар	Молиявий мустақиллик коэффициенти	Молиявий қарамлик коэффициенти	Тўлов қобилияти коэффициенти	Қарз маблағларини узок муддатли жалб қилиш коэффициенти
1.	2014 йил	0,68	0,32	0,69	0,34
	2015 йил	0,68	0,32	0,66	0,34
	2016 йил	0,63	0,37	0,56	0,47
	2017 йил	0,58	0,42	0,55	0,55
	2017 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	-0,10	0,10	-0,14	0,21

Молиявий коэффициентлар таҳлиliga кўра «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молиявий мустақиллик коэффициенти охириги 4 йил ичида 0,10 пунктга камайиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига 0,58 ни ташкил этган. Шунингдек мазкур даврда тўловга лаёқатлилики коэффициенти ҳам 0,14 пунктга пасайган. Ушбу ҳолат акциядорлик жамияти раҳбариятидан активлар ва мажбуриятлар таркибини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш заруриятини кўрсатади.

Қуйидаги жадвалда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг молиявий натижалари таҳлиlinи келтирамиз (5-жадвал).

Таҳлил натижалари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида соф фойда 2017 йилда 2014 йилга нисбатан -155 818 686 минг сўмга камайганлиги ва бунинг энг асосий сабаби сотилган маҳсулот таннархининг ушбу даврда сезиларли даражада (+728 300 849 минг сўм) ошганлигини кўрсатди.

²² «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг молиявий натижаларини
ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили, минг сўмда ²³**

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йил 2014 йилга нисбатан,	
					Сумма	Ҳоиз
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	2 799 935 534	2 938 333 638	2 911 346 196	3 362 225 550	562 290 016	120,1
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	1 746 321 189	1 991 022 603	2 094 268 506	2 474 622 038	728 300 849	141,7
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	1 053 614 345	947 311 035	817 077 690	887 603 512	-166 010 833	84,2
Давр харажатлари	429 551 147	484 984 943	500 372 981	568 302 199	138 751 052	132,3
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	123 501 795	139 388 440	140 526 106	135 306 333	11 804 538	109,6
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	747 564 993	601 714 532	457 230 815	454 607 646	-292 957 347	60,8
Молиявий фаолият бўйича даромадлар	61 257 747	63 266 300	195 331 325	269 112 080	207 854 333	439,3
Молиявий фаолият харажатлари	62 268 021	80 660 353	118 858 296	159 047 300	96 779 279	255,4
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	746 554 719	584 320 479	533 703 844	564 672 426	-181 882 293	75,6
Фойдадан солиқлар ва ва бошқа мажбурий тўловлар	83 042 426	63 279 655	54 427 835	56 978 819	-26 063 607	68,6
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	663 512 293	521 040 824	479 276 009	507 693 607	-155 818 686	76,5

Ҳар бир фойдаланувчи учун ахборот сифати кўзланаётган иқтисодий манфаатлардан келиб чиқади. Барча манфаатдор фойдаланувчилар учун ахборот сифатининг ягона мезонлари мавжуд эмас. Ўз навбатида, ҳар бир фойдаланувчи ўзига тақдим этилган ахборотда ўзи учун қулай (фойдали) сифат мезонларини танлайди ва иқтисодий қарорларни улар асосида қабул қилади. Бухгалтерия ҳисоби тизими айнан фойдаланувчилар манфаатларига риоя қилишга йўналтирилган, улар учун энг афзал сифат мезонлари рўйхати эса МҲХС мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлаш ва тузишга қўйиладиган талабларга тўғридан-тўғри ишора қилади.

